

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ
КУРАШ СИЁСАТИДА НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ЭТИШ
ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

Адизов Алибек Ойбек ўғли¹

МАҚОЛА
МА'LUMОТИ

АБСТРАКТ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 07.10.2024

Revised: 08.10.2024

Accepted: 09.10.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

“Elektron jinoyat ishi”, nizolarни муқобил ҳал этиши, медиация институти, декриминаллаштириши, назорат тартибида кўриб чиқиши, айбга иқрорлик ва бошқалар.

мазкур мақолада nizolarни судгача ҳал этиши ўзи нима эканлиги, унинг қандай турлари ҳамда ҳуқуқий асослари мавжудлиги, шунингдек мазкур жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида nizolarни судгача ҳал этиши қандай тартибда амалга оширилиши очиб берилиб, ушбу соҳанинг самарадорлигини ошириши истиқболларини ва имкониятлари таҳлил қилинди.

КИРИШ. Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда энг муҳим ҳал этилиши лозим бўлган масалалрдан бири – бу жинот ишларида иш ҳажмини камайтириш ҳамда судга қадар босқичда nizolarни ҳал қилиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Чунки статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак ҳам, 2023 йил давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан **73.797** нафар шахсга нисбатан **58.418** та жиноят иши кўриб чиқилди. Ҳисобот даврида кўрилган жиноят ишларнинг аксариятини фирибгарлик, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, қасддан баданга енгил шикаст

етказиш, безорилик, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ва пора бериш билан боғлиқ жиноятлар ташкил этади¹.

Шу билан бирга, 2023 йил давомида ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида **14.698** нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, бу рақамлар 2024 йилнинг биринчи ярмида **6.337** нафарни ташкил этган.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда судга қадар босқичда низоларни ҳал этиш усулларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, О‘збекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон Фармони 1-илоvasи 15-мақсадга мувофиқ низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш кўрсатиб о‘тилган.

Шунингдек, бу борада мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 30.11.2017 йилда “Суд тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5268-сонли Фармони, 14.05.2018 йилда “Жиноят ва жиноят протсессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 3723-сонли Қарорлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисидаги Фармонида ҳам асосий масала сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

- Маъмурий судларга бевосита мурожаат қилишга тўсқинлик қилаётган омилларни тўлиқ бартараф этиш.
- Судга қадар босқичда низоларни ҳал қилиш самарадорлигини 50 фоизга ошириш.
- Судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низолар юзасидан судларга келиб тушадиган ишлар сонини 50 фоизга камайтириш².

Мамлакатимизда ҳозирги кунда низоларни судга қадар босқичда ҳал этиш усулларини жорий қилишга оид бир қатор ислохотлар амалга оширилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари моддий протсессуал қонунчиликда мустаҳкамланиб, босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда.

¹ Судлар томонидан 2023 йилда кўриб чиқилган жиноят ишлари юзасидан ахборот <https://sud.uz/news-2024-01-09-1/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси. ПФ-158-сон 12.09.2023 й.

Бироқ, миллий қонунчиликда низоларни судга қадар босқичда ҳал этиш усуллари тушунчасига ҳалигача тўлиқ ва яқдил таъриф берилмаган.

Низоларни судга қадар босқичда ҳал этиш усули – бу суддан ташқари юзага келган низоларни ҳал қилишга қаратилган қонунда, томонларнинг келишувида ёки ички локал ҳужжатларда белгиланган тартиб-таомиллар, усуллар ва механизмлардир.

Ишни судга қадар юритиш босқичини дифференциатсиялаш орқали соддалаштиришнинг яна бир протессуал шакли бу айбланувчининг ўз **айбига иқрорлиги сабабли** давлат айбловчиси ҳамда айбланувчи ўртасида тузиладиган протессуал-ҳуқуқий келишув. Яъни ушбу усул ҳам низоларни судга қадар босқичда ҳал этишнинг самарали йўлларида биридир.

Айбига иқрорлик тўғрисида келишув институти протессуал институт мамлакатимиз жинойт протессуал қонунида мавжуд эмас. Бироқ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 112-моддасида “...айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин”, ЖПКнинг 113-моддасида “айбни бўйнига олиш тўғрисидаги арз” деб номланувчи нормада айбни бўйнига олиш қоидалари, 324-моддада эса, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз асосида жинойт ишини кўзғатиш тартиблари белгиланган³.

ЖПКнинг 439-моддасида “...раислик қилувчи судланувчилардан улар ўз айбига иқрор ёки иқрор эмаслигини сўрайди” каби ибораларни учратиш мумкин. ЖПКнинг 585-моддаси эса айбга иқрорлик ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда ушбу муносабатларни вужудга келтирувчи муҳим элемент сифатида эътироф этилади.

Ушбу норма қўплаб Европа мамлакатлари қонунларида мавжуд. “Айбни тан олиш ҳақида келишуви”нинг вазифаси, у муайян протессуал рағбарлантиришлар орқали айбланувчини ўз айбига иқрор бўлишга ундайди, айбланувчини айбдор деб топиш учун судга асос сифатида давлат айбловчиси томонидан тақдим этилади. Роман-герман оиласига мансуб бўлган жинойт-протессуал қонунларда давлат айбловчиси суд ваколатига эга эмас. Бугунги кунда қўплаб мамлакатлар шундай протессуал шаклни ўз қонунларига жорий этиб, жинойт протессини соддалаштиришга уринмоқдалар⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Жинойт – процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>.

⁴ Джон Лангбейн, Пытки и сделки о признании вины, 46 u.chi. l. rev. 1 (1998)

Амалдаги ярашув институтининг янада ривожлантириш тенденциялари билан боғлиқ жиноят ишларини юритишда медиация мавзуси қуйидаги сабабларга кўра долзарб ҳисобланади:

1. Низоларни судгача ҳал этиш усуллари Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига жорий қилиш, унинг мазмуни, таъсир доираси ва кўлами ҳақида турли ёндашувлар мавжуд.

2. Ишлаб чиқилган амалдаги жиноят ва жиноят –процессуал қонунчиликнинг мулк, мулкый низолар, вояга етмаганлар ва бошқа масалаларга хос қоидалари инсониятнинг ҳозирги ривожланганлик даражасига мос эмас.

3. Юртимизда 2001 дан бери амал қилиб келаётган ва ЖКнинг 66¹ -моддасида ва ЖПК 61-бобида ўз ифодасини топган ярашув институти суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишлари-инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш механизмини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган бўлиб, ушбу институтни ўрганиш ва уни жаҳон стандартлари даражасида амалда кенгайтириш давр талабидир.

Хулоса қилиб айтадиган бо‘лсак, низоларни судгача ҳал этиш усуллари - томонларнинг ва бошқа шахсларнинг юзага келган низони ҳал қилиш бо‘йича уни суддан ташқари ҳал этиш ёки ярашув ёки бошқа тақиқланмаган тартиб-қоидалар ёрдамида ҳал қилишга қаратилган о‘заро боғ‘лиқ ҳаракатлар тизими ҳисобланиб, қуйидаги афзалликлар беради:

Биринчидан, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари қо‘ллашнилиши низони тезроқ ечимини топиш имконини беради.

Иккинчидан, томонлар о‘ртасидаги муносабатлар махфийлик принципи асосида амалга ошади.

Учинчидан, илгаридан мавжуд бо‘лган муносабатлар сақланиб қолади. Ортиқча вақт сарфлаш турли хил ко‘нгилсиз воқеаларни олди олинади.

Тўртинчидан, энг асосийси давлат органлари ёки судда иш ҳажми камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023.Олий Мажлис Ахборотномаси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон;

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Расмий нашр. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2016, 383 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-протсессуал кодекси// [хтпс://www.lex.uz/actc/111460](https://www.lex.uz/actc/111460).

4. Ўзбекистон Республикасининг 18.09.2012 й. ЎРҚ-335-сон “Судхуққ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/2-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Ярашув ишлари юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги қарори, 2002 й. 25 октябрь.

6. Саҳадинов С.М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. номзоди..... диссертацияси// Т. 2005. ТДЮИ.

7. [хтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Ўз.Р. қонун ҳужжатлари тўплами)

8. [хтп://www.gov.uz](http://www.gov.uz) (Ўз.Р. Ҳукумати портали)

9. [хтп://www.jstor.org](http://www.jstor.org). (Ҳуқуқий журналлар тўплами)

10. [хтп://www.консультант.ру](http://www.консультант.ру)

11. [хтпс://ec.europa.eu](http://ec.europa.eu)

12. [хтпс://www.refworld.org](http://www.refworld.org)